



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

16.11.2022 йил

Сирдарё тумани

4-1202-2201/1674-сон иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Курбанов раислигида, судья ёрдамчиси С.Сайданов котиблигида, даъвогар “Д” акциядорлик тижорат банки манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятидан 2 384 904 500 сўм муддати келмаган асосий кредит қарзи, 127 535 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарздорлигини, 149 260 000 сўм кредитга ҳисобланган фоизларни жами 2 661 699 500 сўм кредит қарздорлигини ундириш, ундирувни 07.04.2021 йилдаги гаров шартномасига асосан гаровга қўйилган, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508629, кузов рақамсиз, шасси рақамсиз, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 369 бўлган трактор; “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508924, кузов рақами 001564, шасси рақами 001564, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 370 бўлган трактор; “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000322, ранги қизил бўлган ва “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000567, ранги қизил бўлган пахта териш машиналарига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси ва илова қилинган ҳужжатларни даъвогар банк вакиллари Ғ.ва С. (16.11.2022 йилдаги №06001/820-821-сонли ишончномалар асосида) иштирокида, Сирдарё туманлараро иқтисодий суди биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

“Д” акциядорлик тижорат банк бошқаруви (кейинги матнларда “даъвогар” деб юритилади) манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси Сирдарё туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, “Ж” масъулияти чекланган жамияти (кейинги матнларда “жавобгар” деб юритилади)дан 2 384 904 500 сўм муддати келмаган асосий кредит қарзи, 127 535 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарздорлигини, 149 260 000 сўм кредитга ҳисобланган фоизларни жами 2 661 699 500 сўм кредит қарздорлигини ундириш, ундирувни 07.04.2021 йилдаги гаров шартномасига асосан гаровга қўйилган, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508629, кузов рақамсиз, шасси рақамсиз, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 369 бўлган трактор; “TD-

5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508924, кузов рақами 001564, шасси рақами 001564, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 370 бўлган трактор; “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000322, ранги қизил бўлган ва “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000567, ранги қизил бўлган пахта териш машиналарига қаратишни сўраган.

Суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган жавобгар суд муҳокамасида иштирок этмади, ушбу ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 170-моддасига асосан жавобгар иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар банк вакили судга ўз кўрсатмаларини бериб, даъво талабларини қувватлаб, 2022 йил 26 сентябрь ҳолатига кредит асосий ва фоиз қарзларини тўланмаганлигини маълум қилиб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, даъво аризасида баён этилган вазларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда “ФК” деб аталади) 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарздорга) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарздор эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларига кўра, даъвогарнинг Сирдарё вилоят ҳудудий филиали ва жавобгар ўртасида 2020 йил 14 декабрда № 525-сонли кредит шартномаси имзоланган.

Шартномага кўра, даъвогар “банк” жавобгар “қарз олувчи”га қишлоқ хўжалиги техникаси 2 дона “TZST CE 220” русумли пахта териш машинасини сотиб олиши учун қарз (кредит) бериш, жавобгар эса кредит ва унинг фоизларини шартномада белгиланган тартибда ва муддатда қайтариш мажбуриятини олган.

Мазкур кредит шартномаси 120 ой муддатга 12 ой имтиёзли даври билан йиллик 15 фоиз устама тўлаш шarti билан тузилган.

Даъвогар шартнома шартларини бажариб, жавобгарга қишлоқ хўжалиги техникаси 2 дона “TZST CE 220” русумли пахта териш машинасини сотиб олиши учун 2 550 700 000 сўм миқдорида пул маблағлари (кредит)ни ажратиб берган.

Бироқ, жавобгар ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармасдан ажратилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда тўламаган.

Даъвогар томонидан юборилган 2022 йил 14 сентябрдаги огоҳлантириш хати жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Жавобгарнинг даъвогар олдида 2022 йил 26 сентябрь ҳолатига муддати ўтган асосий қарзи 127 535 000 сўмни, кредит фоизидан қарздорлиги

202 274 000 сўмни жами муддати ўтган кредит қарздорлиги 329 809 000 сўмни ташкил этади.

Сидарё туманлараро иқтисодий судининг 2022 йил 6 майдаги ҳал қилув қарори билан жавобгардан даъвогар банк фойдасига 53 014 000 сўм кредит фоиз қарздорлиги ундирилган. Суд қарори билан ундирилмаган муддати ўтган асосий кредит қарзи 127 535 000 сўмни, муддати ўтган кредит фоизидан қарздорлиги 149 260 000 (202 274 000-53 014 000) сўмдан иборат.

Ушбу ҳолат судда иштирок этган даъвогар тараф вакилининг кўрсатмаси, ишдаги мавжуд шартнома, тўлов графиги ва бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси (бундан кейинги матнларда "ФК" деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Даъвогар томонидан шартномавий мажбурият бажарилиб, жавобгарга кредит берилган бўлса-да, жавобгар томонидан кредит ва фоизлар тарафлар ўртасида тасдиқланган график асосида қайтарилмаган.

ФК 735-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, қарздор олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

ФКнинг 736-моддаси иккинчи хат бошига кўра агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Бу ҳақда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг 22.12.2006 йилдаги № 13/150-сонли қарорида тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолатда суд, даъво талаби асосли ва иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, жавобгардан 2 384 904 500 сўм муддати келмаган асосий кредит қарзи, 127 535 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарздорлигини, 149 260 000 сўм кредитга ҳисобланган фоизларни жами 2 661 699 500 сўм ундириш тўғрисидаги даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек даъвогар, ундирувни жавобгарга тегишли бўлган гаровга олинган мулкдарга қаратишни сўраган.

Кредит таъминоти сифатида гаровга 07.04.2021 йилдаги гаров шартномасига асосан жавобгар "Ж" масъулияти чекланган жамиятига тегишли "TD-5 110 4WD" русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508629, кузов рақамсиз, шасси рақамсиз, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 369 бўлган трактор; "TD-5 110 4WD" русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508924, кузов рақами 001564, шасси рақами 001564, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 370 бўлган трактор; "TZST CE 220" русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000322, ранги қизил бўлган ва "TZST CE 220" русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000567, ранги қизил бўлган пахта териш машиналари гаровга кўйилган.

“Гаров тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 279-моддасига асосан, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Мазкур ҳолатда жавобгар банкдан олган кредит ва унинг фоизини графикда белгиланган муддатда тўламасдан келаётганлиги ўз қонуний исботини топганлиги, тарафлар ўртасида тузилган кредит ҳамда гаров шартномаларида бундай ҳолатда ундирув гаров мулкига қаратилиши белгиланганлиги сабабли, суд ундирувни жавобгарнинг гаровга қўйган мулкига қаратиши лозим.

Баён этилганларга асосланиб суд, даъво талабларини қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фойдасига 2 384 904 500 сўм муддати келмаган асосий кредит қарзи, 127 535 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарздорлигини, 149 260 000 сўм кредитга ҳисобланган фоизларни жами 2 661 699 500 сўм кредит қарздорлигини ундириш, ундирувни 07.04.2021 йилда тасдиқланган гаров шартномасига асосан гаровга қўйилган, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508629, кузов рақамсиз, шасси рақамсиз, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 369 бўлган трактор; “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508924, кузов рақами 001564, шасси рақами 001564, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 370 бўлган трактор; “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000322, ранги қизил бўлган ва “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000567, ранги қизил бўлган пахта териш машиналарига қаратишни лозим топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда 53 233 990 сўм давлат божини жавобгар зиммасига юклаб, даъвогар томонидан олдиндан тўланган олдиндан тўланган 24 000 сўм почта харажатини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги қонунининг 26-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли қарорини, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 236, 279, 735,

736, 744-моддаларини, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 114, 118, 170, 176- 180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг “Д” акциядорлик тижорат банк манфаатидаги даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

“Ж” масъулияти чекланган жамиятидан “Д” акциядорлик тижорат банк бошқаруви фойдасига 2 384 904 500 сўм муддати келмаган асосий кредит қарзи, 127 535 000 сўм муддати ўтган асосий кредит қарздорлигини, 149 260 000 сўм кредитга ҳисобланган фоизларни жами 2 661 699 500 сўм кредит қарздорлиги ва 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув 07.04.2021 йилдаги гаров шартномасига асосан гаровга қўйилган, жавобгар “Ж” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508629, кузов рақамсиз, шасси рақамсиз, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 369 бўлган трактор; “TD-5 110 4WD” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, двигател рақами 508924, кузов рақами 001564, шасси рақами 001564, ранги кўк, давлат рақам белгиси 20 DA 370 бўлган трактор; “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000322, ранги қизил бўлган ва “TZST CE 220” русумли, 2020 йилда ишлаб чиқарилган, агрегат рақами 000567, ранги қизил бўлган пахта териш машиналарига қаратилсин.

“Ж” масъулияти чекланган жамиятидан 53 233 990 сўм Республика бюджетига давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкин.

Судья

У.Курбанов